



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
QARORI

“ 20 ” May 20 21 у

Yaypan shahri 376 sonli

Дахана қақир МФЙ Янги йўл кўчаси худудида жойлашган бўш ер майдонини бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисидаги 6300-хҳ-сонли мажлис баёнига кўра иккинчи ташабbus-ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятларини намоён қилишларига кўмаклашиш ва “Спорт комплекси” ташкил этиш учун Каримобод МФЙ Камолот кўчаси 38-йда яшовчи фуқаро MIRZAYEV OYBEK YULCHIBOYEVICHга ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Такдим этилган ҳужжатларни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли, 2017 йил 23 февралдаги “Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишини янада рағбатлантириш тўғрисида”ги ПҚ-2796-сонли, 2018 йил 11 сентябрдаги “Худудларда тадбиркорлик ташабbusлари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3939-сонли қарорларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6-7 май кунлари Фаргона вилоятига ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнига ва Каримобод МФЙ Камолот кўчаси 38-йда яшовчи фуқаро MIRZAYEV OYBEK YULCHIBOYEVICHнинг 2021 йил 01 марта кунги мурожаатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конунининг 6-моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6-7 май кунлари Фаргона вилоятига ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган Фарғона вилоятини ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришда мавжуд муаммолар ва уларни хал этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлари тўғрисидаги мажлис баёни ва 2019 йил 19 марта куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши якуни бўйича тасдиқланган “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишига кизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида”ги 6300-хҳ-сонли мажлис баёни ҳамда Каримобод МФЙ Камолот кўчаси 38-йда яшовчи фуқаро MIRZAYEV OYBEK YULCHIBOYEVICHнинг 2021 йил 01 марта кунги мурожаати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Каримобод МФЙ Камолот кўчаси 38-йда яшовчи фуқаро MIRZAYEV OYBEK YULCHIBOYEVICHнинг “Ўзбекистон тумани Даҳана қақир МФЙ Янги йўл кўчаси худудида жойлашган **0,15** га бўш ер майдонини иккинчи ташаббус-ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шарт шароитлар яратишга йўналтирилган чоратадбирларни амалга ошириш мақсадида “**Спорт комплекси**” маркази ташкил этиш учун ажратиб бериш”ни сўраб ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

3. Ўзбекистон тумани Даҳана қақир МФЙ Янги йўл кўчаси худудида жойлашган **0,15** га, бўлган ер майдонини Каримобод МФЙ Камолот кўчаси 38-йда яшовчи фуқаро MIRZAYEV OYBEK YULCHIBOYEVICHга “ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шарт шароитлар яратишга йўналтирилган чоратадбирларни амалга ошириш мақсадида “**Спорт комплекси**” маркази ташкил этиш” мақсадида доимий фойдаланиш хуқуқи билан ажратиб берилсин ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш Давлат кадастрлари палатаси Фаргона вилояти бошқармаси Ўзбекистон тумани филиали раҳбари (М.Бахритдинов)га юклатилсин.

4. Каримобод МФЙ Камолот кўчаси 38-йда яшовчи фуқаро MIRZAYEV OYBEK YULCHIBOYEVICHга:

- туман давлат хизматлари маркази орқали белгиланган тартибда ушбу объект учун архитектура-режалаштириш топшириғи (APT-1, APT-2) хужжатларини тайёрлатиш;
- худуд ёшларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;
- қурилиш ишлари тугалланганидан сўнг янги барпо этилган бино – иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш учун туман комиссиясига тақдим этилиши;
- қурилиш мобайнида архитектура, қурилиш, санитария, ёнфинга қарши меъёр ва талабларига қатъий риоя қилиш вазифалари топширилсин ва кўрсатиб ўтилган мажбуриятларга риоя этмаган ҳолатларда, ушбу объект ва ер участкаси конунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши эслатиб ўтилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги “Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишни янада рағбатлантириш тўғрисида”ги ПҚ-2796-сонли қарорига асосан ажратилаётган ер майдонидан мақсадли фойдаланиш, ҳамда тегишли тартибда лойиҳани амалга ошириш бўйича намунавий кўринишдаги тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва туман Инвестиция бўлими билан келишиш, лойиҳа бўйича киритилган инвестициялар тўғрисида ахборотни туман ҳокимлигига киритиш вазифаси фуқаро MIRZAYEV OYBEKга юклатилсин.

6. Ушбу қарор билан ажратиб берилаётган Даҳана қақир МФЙ Янги йўл кўчаси худудида жойлашган умумий майдони **0,15** га бўлган ер майдонидан белгиланган тартибда солиқларни ундириш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж.Кўчкоров)га юклатилсин.

7. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосарлари Ш.Исмоилов ва в.в.б Ураззоковлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Юлдашев

